

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлда чика бошлаган.

№ 246 (6.137)

1986 йил 25 октябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 23 октябрь кунин бўлиб ўтган мажлисида янги техника ҳамда технологияни ўзлаштириш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини муҳокама қилди. Жамиятин фан-техника тараққиёти асосида ривожлантиришни жадаллаштириш уни кадрлар билан ўз вақтида таъминлашни гарантчиловчи туб чора-тадбирлар амалга оширилишини қатъий таъқоз қилиш қайд этиб ўтилди. Бунинг учун ишнинг шундай бўлган қўйиш талаб этиладики, малакали ходимларни тайёрлаш янги корхоналар барпо этишдан, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлашдан илдамроқ босин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қароридан янги техника ҳамда технология соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни планлаштириш ҳамда таъминлаш этишнинг анча ахширлаш, кадрлар малакасини ошириш ва ўқитиш методларини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган. Кадрларнинг олий ўқув юрталари ҳузуридаги махсус факультетларда қайта тайёрлаш, ўқув малакали мутахассисларни янги техника билан таъминлаш ва ўқитиш методларини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган. Кадрларнинг олий ўқув юрталари ҳузуридаги махсус факультетларда қайта тайёрлаш, ўқув малакали мутахассисларни янги техника билан таъминлаш ва ўқитиш методларини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

Меҳнаткашларнинг кўпдан кўп истаклари муносабати билан нон-булка ва макарон маҳсулотларининг сифатини яхшилаш борасидаги тақлифлар кўриб чиқилиб, 1990 йилга бориб сўт маҳсулотлари фермент ва бошқа препаратлардан фойдаланиб олий навли бўлган ва жавдур қанди ёпиладиган нонни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда, бунинг натижасида ана шу маҳсулотларнинг ишончлилиги ва сифати ортади. Нон ёпиш корхоналари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида келгуси йилининг бошидан улар учун янги тариф ставкалари ва мансаб оқладлари жорий этилади, шунингдек тунда ишлагани учун қўшимча ҳақ миқдори оширилади.

техника таълими давлат комитети билан шартнома асосидаги муносабатлари жорий этилади.

1987 йилдан бошлаб СССР Автомобиль саноати министрлигининг барча бирлашмалари ва корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисида ҳукумат ишлаб чиққан тақлифлар маъқулланди. «АвтоАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасида тўланган тажрибани ҳисобга олиб, бошқаруving иқтисодий методларини такомиллаштириш, планлаштиришни таъминлаш этишнинг ахширлаш, бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг ҳуқуқлари, мустақиллигини кенгайтириш ва маъсулиятини кучайтириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг реконструкция қилиш, илмий-тадқиқот ишларини ҳамда импорт машина-ускуналар ва материаллардан фойдаланиш, бошқа ишларни ўтказиш чоғида бу ишлар меҳнат коллективлари ишлаб топган ўз валютга маблағларини ҳисобига бажарилиши назарда тутилмоқда. Бунда социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини усту даражада ривожлантириш планлаштирилмоқда.

Меҳнаткашларнинг кўпдан кўп истаклари муносабати билан нон-булка ва макарон маҳсулотларининг сифатини яхшилаш борасидаги тақлифлар кўриб чиқилиб, 1990 йилга бориб сўт маҳсулотлари фермент ва бошқа препаратлардан фойдаланиб олий навли бўлган ва жавдур қанди ёпиладиган нонни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда, бунинг натижасида ана шу маҳсулотларнинг ишончлилиги ва сифати ортади. Нон ёпиш корхоналари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида келгуси йилининг бошидан улар учун янги тариф ставкалари ва мансаб оқладлари жорий этилади, шунингдек тунда ишлагани учун қўшимча ҳақ миқдори оширилади.


жамоат ҳаётидаги ўзини-ўзи бошқариш асосларини янада мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда аҳоли таъбибулдорлигининг турли формаларини ривожлантириш, аҳолининг иқтисодий-фойдала потенциалидан яхшироқ фойдаланиш борасидаги етилган масалаларни муҳокама қилди. Гражданларнинг истиқомат жойларида аҳолини маҳаллий аҳамиятдаги вазифаларни ҳал қилишга яна ҳам активроқ жалб этиши лозим бўлган жамоат фаолияти органларининг обрўсини ошириш ва таъсирини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг мустақиллиги ҳамда таъбибулдорлигини ривожлантириш, уларнинг моддий ва маънавий базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Истиқомат жойларида ишлаб турган партия ташкилотларининг ишнинг қайта қўриш соҳасидаги йўналишлар белгиланди. Ана шу партия ташкилотларининг ишда қатнашининг ҳар бир коммунист ўз Устав бурчаларини бажаришининг ажралмас қисми деб билиши керак. Шаҳарларни, қишлоқлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш учун курашда жамоатчилигимиз катта имкониятларга эга эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ хотин-қизлар кенгашлирини ташкил этиш тўғрисида ишлаб чиқилган тақлифларни муҳокама қилди. Мамакатда хотин-қизлар кенгашлирини кенг қўллашдаги системасини вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Меҳнат коллективларидаги ва истиқомат жойларидаги хотин-қизлар кенгашлири ана шу хотин-қизлар кенгашлирининг асосини ташкил этади. Уларнинг фаолияти ишлаб чиқариш ва иқтисодий сиёсий турмушининг барча соҳаларида, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, социал масалалар ҳамда бошқа масалаларни ҳал

этишда хотин-қизлар жамоатчилигининг иқтисодий ташаббускорлиги ва фаолиятига асосланади. Халқаро хотин қизлар ҳаракатида, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашда актив қатнашиш — мамлакатимиз хотин-қизлар ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташки ишлар министрлари комитетининг шу йил 14-15 октябрь кунлари Бухарестда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси якунилари маъқулланди. Сиёсий бюро Рейкьявикдаги Совет-Америка учрашувида СССР тутган позицияни иттифоқчи социалистик давлатлар тўла-тўқис қўллаб-қувватлаганидан мамнуният изҳор қилди. Вужудга келган вазиятда ядроний қуролсизланиш йўлидаги, кенг қамровли халқаро хавфсизлик ва тинчлик системаини яратиш йўлидаги курашда қардош мамлакатларнинг биргаликдаги қуч-ғайратларини ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро ўртоқ Н. И. Рижковнинг Польша Халқ Республикасига қилган расмий дўстона визити якунилари кўриб чиқиб, унинг Польша раҳбарлари билан ҳамда бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш учун курашда жамоатчилигимиз катта имкониятларга эга эканлиги таъкидланди.



Йиллик план тайёр


Шаҳримиздаги 12-автомобиль ҳайдовчиси А. В. Князевнинг йил бошидан бери социалистик мажбуриятдаги 140 литр ўрнига 300 литр ёқилти тошди. Бу тежалган ёқилти билан мусобақа пешқадами автобусини икки кун бошқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илгор ҳайдовчи мана икки йилдирки, йўл транспорт ҳодисасиз ва йўлда жолларнинг иқтисодий бузулмасдан ишлайпти. Булар ҳаммаси илгор ҳайдовчига Автообъект транспорт ҳодимлари кунига қадар шахсий йиллик топшириқни бажариш имконини берди.

Автотранспортдан самарали фойдаланайлик

КПСС XXVII съезди автотранспорт ҳодимлари олдига қўйилган халқ хўжалиги ахтиёрларини тўлақон қондириш, иш самардорлигини оширишдан иборат вазифани қўйди. Автомобилларнинг профессионал байрамга бағишланиб, 24 октябрь кунин Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўрсаткичи бўлиб ўтган тантанали йилгида тармоқ ишларини яхшилаш тўғрисида гап борди. Ўзбекистон ССР автомобил транспорт министриси О. А. Азимбеков доклады қилди.

Беш йиллик давомида маркалаштирилган усулда қўйилган ҳажмининг қариб икки баравар ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Оқилона усулдаги маршурутларни, ихтисослаштирилган юк состави ва контейнерларни янада кенг жорий этиш зарур. Пассажирларга хиз-



Эртага — Автомобиль транспорти ходимлари кунин

Ҳамиша йўлда

Эртага — халқ хўжалиги юкларини пеша-пеш ташинган, «тез ёрдамдан тортиб турли вазифаларни бажарётган, йўловчилар манзил-манзил қилаётган автомобиль транспорти ходимларининг байрами. Биз ушбу суратда тасвирланган Муродбек Эрзабович Ҳайдаровни, у хизмат қилаётган Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига қарашли 1-алоқа автокорхонасининг коллективини ва улар орқали шаҳримизнинг барча ҳайдовчиларини, ремонтчи-ишчиларини ана шу байрам билан чин қўнгилдан табриклаймиз.

Одатда автотранспорт ҳайдовчиси ҳақида «шунча километр масофани авариясиз босиб ўтди» деб ёзилади. М. Ҳайдаров ҳам ҳамиша йўлда. Аммо унинг хизмат вазифаси ўзгача — у 1975 йилдан бери «КБЗ-685» автобуси билан шаҳримизнинг станциялараро алоқа линияларига хизмат кўрсатади. У касб байрамини қандай ютуқлар билан кўтиб олаётганидан қўйидаги рақамлар далолат беради. Моҳир ҳайдовчининг тўққиз ойлик якуни бўйича маши-

надан фойдаланиш коэффициентини 105,3 процентини ташкил этди, социалистик мажбуриятини 105 процент бажарди, 138 литр ёқилгини иқтисод қилиб қолди.

Муродбекни автокорхона коллективини меҳнатсеварлиги, интизомчилиги, самимийлиги учун ҳурмат қилади. У ҳамкасбларидан ёрдамчи ҳеч қачон аямайди. Шу билан бирга касабга союз комитетининг аъзоси сифатида ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой ва маънавий шароитларини яхшилаш ҳақида ҳам ишчи кўйидиради. М. Ҳайдаров одобли инсон, намунали оила бошлиғи. Умар йўлдоши Дилбар билан тўрт фарзандини катта қўлиштипти. Уялаймизки, эртага дастурхон атрофида Шерзод билан Бекзод, Умид билан Гулал ҳам оталарини транспортчилар байрами билан албатта табриклайсиз.

СУРАТДА: М. Ҳайдаров. Т. Каримов фотоси.

Область партия комитетида матбуот конференцияси

Тошкент область партия комитетида область, шаҳар, район ва кўп тиражли газеталар, область телевидение-си ва радиовештириш ходимлари учун матбуот конфе-

ренцияси бўлди. Унда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III

плenums қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Йилги-ганлар ҳузурида область партия комитетининг секре-

тари Ш. З. Камолхўжаев сўзга чиқди. Конференцияда шаҳар ва район газеталари обзор қилинди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Оқ Олтин — ПАХТА

Республика областларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 24 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ (Планта нисбатан процент ҳисобида) Биринчи усту — областлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — маҳсум бошдан бўён.

Фарғона 1,03 93,00

Тошкент 1,69 89,95

Наманган	1,44	79,55
Сурхондарё	1,58	79,10
Сирдарё	1,64	78,06
ҚАССР	1,32	74,78
Хоразм	1,23	71,38
Бухоро	0,78	66,76
Андижон	1,68	64,30
Жиззах	1,70	61,96
Самарқанд	1,18	59,32
Навоий	1,06	49,17
Қашқадарё	0,98	46,22
Республика бўйича:	1,33	70,83

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Айни кунларда шаҳар кўчаларида автобуслар колоннасини тез-тез учратиш мумкин. Чунки минглаб ҳамшаҳарларимиз — студентлар, ишчилар, хизматчилар, олимлар қалб дарахти билан мардумийдон пахтакорларга кўмаклашиш учун, об-хаво нуқул бўлган куз шароитларида етиштирилган ҳосилнинг бир граммининг ҳам несобуд қилиш гериб олиш учун пахтазорларга отландилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ис.

титут, география бўлими ҳамда «Фан» нашриёти, шунингдек Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари шундай долзарб кунларда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар Тошкент областининг Бекобод районидagi «Коммунизм» колхозини дала-ларида жавлон урмоқдалар. Кўни кеча ҳашарчилар ёрдамлашётган бригада йиллик пахта планини бажарди. Бунда тошкентлик ҳашарчиларининг ҳиссалари катта бўлди. Айниқса, Абдуғаффор Қирғизбоев, Акбар Аъзам-хўжаев, Бахтиёр Ҳасанов,

Айбон Қосимов, Комиля Зонова каби ҳашарчилар бошқаларга ўрнат бўлдилар. Улар кўнлик нормаларини ортин билан бажариб, пахтакорларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлдилар. Бригада ғалаба рапорти берган кунни жамоатчи фотомуҳбиримиз В. Тўраев колхоз дала-ларида бўлиб, ҳамшаҳарларимизнинг ғайрат-шижоати акс этган ушбу суратларини олиб қайтди. Ҳашарчилар Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига зарбдорона меҳнат қиламиз, демоқдалар.

Т. ТОШЕВ.

СУРАТДА: ҳашарчилар пахта далаларида.



ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БУХАРЕСТ. Бу Руминия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум мамлакатни социалистик ривожлантириш ягона миллий планининг 9 ой мобайнида қандай бажарилигани ва 1986 йилги

планны амалга ошириш вазифаларини, РСР конституциясининг баъзи моддаларини ўзгартиришга оид тақлифларни ва бошқа масалаларни кўриб чиқди. Пленум Василе Бэрбулескуни Руминия Компартияси Марказий Комитетининг сек-

ретари қилиб сайлади. Пленумда РКП МК Бош секретари Н. Чаушеску нутқ сўзлади. ◆ ВАРШАВА. Бу ерда ўн беш мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи Коммунистик ва ишчи партиялари ижтимоий Фанлар акаде-

миялари ва олий партия мактаблари ректорларининг кенгаши тугади. Кенгашда биргаликда олиб бориладиган тадқиқотларнинг планлари, партиянинг ва маъмурий ишлар учун кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш тадбирлари, ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг усту йўналишлари муҳокама қилинди. Кенгаш ишида Ангола, Афғонистон,

Лаос, Эфиопия вакиллари биринчи марта иштирок этдилар. ◆ РАБОТ. Марокаш тараққиёт ва социализм партиясининг Марказий Комитетининг Касабланкада бўлиб ўтган пленумида мамлакатдаги барча сиёсий маҳсулотларни, шу жумладан тараққиёт ва социализм партиясининг активларини озод қилиш ҳақидаги

талаб баён этилган резолюция қабул қилинди. Бу маҳсулотларнинг кўп қамолларида низоъда оғир шароитда салкам уч йилдан бўён азоб чеқмоқда. ◆ БЕРЛИН. ГДР пойтахтида социалистик мамлакатлар китоб нашриётлари раҳбарларининг кенгаши иш-хосига етди. Кенгашда 16 та социалистик ва ривожланган давлатнинг делега-

циялари қатнашдилар. Ривожланган социализм кури-лишида ва тинчликни таъминлашда ҳозирги замон адабиётининг вазифалари халқаро анжумандаги мунозаранинг диққат марказида бўлди. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига ва Ўзро Иқтисодий Ердан Кенгаши-нинг 40 йиллигига китоб нашриётларини тайёрлаш

масалаларига катта эътибор берилади. Кенгаш иштирокчиларининг нутқларида социалистик адабиёт фан-техника тараққиётининг жадаллаштириш, социализм мамлакатларининг халқлар ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларини ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўлаётганини уқтириб ўтилди.



ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИНИНГ 1-МЕХАНИКА ЦЕХИ ИШЧИЛАРИ ЙИГИЛИШИДАН

ЎЗБЕКИСТОН—УРУГВАЙ

МОНТЕВИДЕО. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятига соҳиб донатари бу ердан ватанига жўнаб кетди. Делегация Уругвай—Совет маданий алоқалар институтининг ташкилоти билан Уругвайда уч кун бўлди.

Делегация составида Совет Ўзбекистонини жамоатчи

Социализм мамлакатларидан янгиликлар

○ **БУДАПЕШТ.** Венгрияда маҳаллий аҳамиятдаги тош йўл қуриш иккинчи даражаси иш деб ҳисобланган. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма қишлоқлари бош автомагистраллар билан, қаттиқ қопламали йўллар билан боғланганлиги шундан далolat беради. Эндилда йўللари давлат хўжаликлари ва кооперативларнинг эҳтиёжлари, мамлакат айрим районларининг хўжалик жиҳатдан тараққиётини янгилашга қўйилган вазифа бўлиб қўйилди. Бу вазифа ҳам бирлаштириш ҳал этилмоқда.

○ **ХОПИМИН.** Кейинги йилда ВСРнинг жанубида совет тракторлари ва автомашиналарига техник хизмат кўрсатадиган ўттиздан ортиқ станциялар барпо этилди. Ҳозирги вақтда социалистик Вьетнамда шу техникага хизмат кўрсатувчи станция тармоқлари барпо этилиб боради.

Республиканинг энг муҳим қишлоқларида 10 мингта йил трактор, минглаб «БЕ-ЛА3» ва «КАМАЗ» муваффақият билан ишлатилмоқда — халқ хўжалик юртаклари ташкимоти. Совет техникасига техникавий хизмат кўрсатувчи станциялар ремонт ишлари билангина чекланиб қолмайди. Улар ўн марказлашган хўжаликнинг талаблари мувофиқлаштириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа ҳам бирлаштириш ҳал этилмоқда.

○ **СОФИЯ.** Болгариянинг Плевен шаҳрида совет ташкилотлари «Машинаэкспорт» бирлашмаси техник маркази очилганга ўн йил тўлди. Бу ерда ана шу шонли воқеа шарафига йўл-қурилиш машиналари энг янги моделларининг выставкаси очилди. Виставгага жумладан—замонавий экскаваторлар, кучли автокранлар, техник хизмат кўрсатиш машиналари ва бошқалар қўйилган. Ўтган йиллар мобайнида бир неча минг болгар мутахассислари бу марказда таълим олдилар ва қайта тайёргарликдан ўтдилар. Ҳозир улар мамлакатнинг турли йўл қурилиш объектларида ишлатилмоқда.

Эрон—Ироқ фронтида

○ **БАҒДОД.** Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида айтилишича, Эрон-Ироқ фронтидаги Ироқ армияси беш корпусининг участкаларида ҳарбий ҳаракатлари бўлган. Ироқ қўшинлари Басрадан Шарқда душман қўшинлари ва техникаси йиғилган районларини ўтлар ва танк ўтларидан ўққа тутидилар. Эрон томонидан аниқгина асқарларнинг талафоти берилади, 18 юк машинаси жонсиз қилинди. Фронтининг шимолий қисмида 20 га яқин эрон солдати ўлдирилди. Бу ерда

Ироқ қўшинлари кўпдан-кўп қурол ва бошқа жанговар техникани ўлка олдилар. Фронтининг марказий секторига ва Майсанда шаҳарда ҳам ўқ-тин-ўқтин отишмалар бўлиб турди.


Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Ироқнинг Халлаба ва Сирван аҳоли пунктларини тўғна тутди.

○ **НИКОСИЯ.** Эрон Ирак агентлигининг хабар беришича, Эрон артиллерияси Басрадаги темир йўл станциясини

Угандадаги аҳвол

○ **КАМПАЛА.** Уганда ҳукумати мамлакатдаги вазиятни тўла-тўқис назорат этиб турибди. Қўшинлар республиканинг шимолидаги районларни тиништи ва исёнчилар қолдиқларини тор-мор қилишда операцияларини тугалламоқда, деди мамлакат президенти Йовери Мусевени. Мамлакат раҳбарлари, деди у, —Вакисода миллий қаршилик ҳаракати свиссий мактабин битириб чиқувчилар олдиде сўзлаб, ҳамма халфсизлик манбаларини тугатишга бел боғлангилар.

Давлат бошлиғи исёнчилар билан музокаралар олиб бориш ҳақидаги фикрини рад этиб, мамлакатнинг тинч ҳаётига қурол ёрдамида халқнинг беришга уринувчиларнинг ҳаммаси қириб ташланади, деб таъкидлади.



Афғонистонда маданий революциянинг энг муҳим ютуқларидан бири аҳоли ўртасида китобларни кенг қўлламада тарқатишдир. Мамлакатда «Бейкан» давлат китоб нашрияти аҳолининг турли адабиётларга бўлган талабсини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. У

«Международная книга» совет ташкилотлари билан ҳамкорлик қилипти. СУРАТДА: Афғонистон пойтахти кўчаларида китоблар тарқатилмоқда. Г. Надеждин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

КАЕРДАСАН, НЕССИ?

Лох-Несс кўлининг муъжизаси, унинг мавжудлиги жуда кўп марта рад этилган бўлишига қарамай, баъзи олимларга тинчлик бермапти. Ҳамма ган 1833 йилда бошланган эди. Ушанда Лос-Несс кўли қишлоқдаги меҳмонхона эгаларидан бирининг рафиқаси-турч қизини кўрган эди.

Нессининг (номаълуд хайвонни эралаб шундай деб аташган), мавжудлигини исботлаш мақсадида Шотландиядаги кўлга навобатдаги илмий экспедиция ташкил этилди. Энг замонавий гидрология усуллари ўрнатилган ўнга яқин кема Нессини топиш мақсадида кўл сатҳини кезиб юрибди.

КУТУБХОНАДАГИ ҲҒРИ

Американинг Бостон шаҳри коллежларидан биридаги кутубхонада ишловчи Ральф Коффман қадимий адабиётларга лу қадар «теҳ қўйибди», энг дастлабки босма нашрлардан африкаларни ўқитиб кетибди. Оралдан кўп ўтмай у Нью-Йорк ақдоқонада ўқитилган китобларни сотаётган пайт

да қўлга олинди. Коффман китобларини сотиб, анчагина даромад ортиришга умид қилган. У ўқитилган китоблар қарийб 500 минг доллар баҳоланган. Аммо «қўхна адабиётлар муҳлисининг омади келмади. Шубҳаланган аукцион ҳодимлари дарҳол полициячиларни чақиринибди.

ЖАРИМА ТўЛАШГА МАЖБУР БўЛДИ

ЮПИ агентлиги Нью-Йоркдан хабар беради: аштариялик парашютчи Николас Фетерис ўз доллар жарима тўлашга мажбур бўлди. Сабоби, у Нью-Йорк қўрғонидан Озоқлик ҳайкалининг устидан сакрабди. 100 метрга тешиб, деб таъкидлади ЮПИ агентлиги. Маълумки, Фетерис бундан илгари Нью-Йорк ва Чикаго шаҳарларидан осмонлар билан бинолардан сакраганда учун қамқоқа олинган ва жарима тўлаган эди. Фетериснинг баёнотида қараганда, у ана шу йўл билан ўз атрафни янги конструкцияда парашютга этибди. Бу парашют «тургут объектлар» жумладан биноларнинг томидан, кўприклардан, инжорлардан сакраш учун мўлжалланган.

Беш йиллик илғорлари

Масъулият ҳисси



Ўзбекистон ССР агросаноат Давлат комитетининг Тошкентдаги тажриба-ремонт-механика заводида улуғвор ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажариш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳар бир меҳнат участкасида ишни жадаллаштириш юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда.

Корхонанинг деталларни тиклаш цехи ишчилари махсулотнинг сифатли бўлиши учун тинмай курашмоқдалар.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари М. Ефименко, Н. Иванова, Р. Шарвафуддинова ва Д. Обидовалар. Улар смена топшириқларини 130—140 процента етказиб бажаришмоқда.

М. Нуридинов фотоси.

Қардошлиқ қонунига биноан

Тошкентлик ёшлар Молдавияда

Яхши дўст бошга қулфат тушганда билинади. Мана шу ҳикматида айтилганидек, Ватанимиз халқлари доим кен-қардошлиқ туғилулар билан яшаб бир-бирларига ҳамкор, ҳамдам, ҳамжихатлик кўрсатадилар, оғир қулоқ тушганда тезда бир-бирларига ёрдамга ишонадилар. Молдавияда зилзала бўлганини эшитган заҳоти-миз халқимиз ўша ёқда бўлди, амалий ёрдамга бел боғладик.

Шу йилнинг 12 сентябры кун эди. Тошкент воқеалари мингдан ортиқ одам тўланди. Ота-оналар ўз фарзандларини қардош республикага кузатаркан: «Яхши бориңлар, устозларингиз кўрсатгандек ишлангилар, молдавиялик биродарларимизга ёрдам берингилар» деб маслаҳатлар айтишарди.

Темир йўл бўйлаб «Тошкент—Кишинёв» поезди кўзгалсини билан кузатувчилар қўлларини ҳавода чарх уририб биз билан хайрлашишди. Шунда мен тарихий бир воқеани эсладим.

1946 йилнинг июнь ойлари эди. Урушдан кейин 14-фабрика-завод таълими мактабиде катта уста бўлиб ишлар эдим. Урушда вайрон бўлган Сталинград шаҳрини қайта тиклаш ишларида қатнашган эдим. Тошкентдан 750 битирувчи ўғил-қизларга бошчилик қилиб кетаётгандим. Қарангки, ўша пайтда

Сталинградга бориб ишлаб келган ўқувчиларимнинг ўғил-қизлари бутун мен билан Молдавияда ер қимирлаш оқибатларини тугатишга бо-ришарди.

Тошкент шаҳар ва Тошкент область техника билим юртарлардан 525 нафар қурувчи ёшлар бир кун ичиде йиғилиб, бу отрядга «Халқлар дўстлиги» номи берилди. Шу поезда 17 сентябрда Кишинёв шаҳрига етиб бордик. Меҳмонларни Кишинёв вокзалда шаҳар халқи, ўқувчилар, партия ва комсомол ҳодимлари тантана билан кутиб олишди. Биз, 525 қурувчи зилзала маркази бўлган Леова районида марказдан 120 километр узоқда жўналдик.

Тошкент шаҳридаги 12, 14, 15, 31 ва 35-техника билим юртарлари ўқувчилари район марказидаги 420 ўғиллик ётоқхонадан район касалхонаси ва поликлиникасини, бошқалар боғчасини, 48 квартиралар бинони қуриш ва ремонт қилишга киришилди. Ишлаб чиқариш усталари ўқувчилар ўртасида биринчи кундан бошлаб таълим-тарбия ишларини бевосита иш билан бир-галикда, шу жойининг шароитига мослаб олиб боришмоқда. Қурилдан иш пилалари нин 105—115 процентга адо этиб, 18 сентябрдан 1 октябрга 35 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди-

Ишчилар яшайдиган уйларнинг завод қийматида бўлиши ишни учун ҳам, корхона учун ҳам аҳамияти катта. Бу биринчидан, ишчиларнинг вақтини тежайди, транспорт масаласини осонлаштиради. Корхона маъмурияти шунини ҳисобга олиб завод қийматида бўлишга қўйишни планлаштирапти. Бу уйланинг иккинчи 16 квартиралар, 2 таси 48 квартиралар бўлади. Бу уйларидаги квартиралар навбатда турган, ишлаб чиқариш нормаларини ҳамма ортиги билан бажарадиган ишчиларга берилади. 380 ўғиллик, боссеини бўлган янги болалар комбинати қурилади.

Транспорт хизмати масала. Сини ҳал этиш бўйича ҳам тадбирлар белгиланмапти. Ҳозир корхонанинг турта автобуси бор. Яқинда яна битта янги автобус олинад.

Токлардан Ленин ордени кавалери Р. Йўлдошев, В. Слинко ўз нутқларида чехда ишлаб чиқаришдаги нуқсонларни кўрсатиб ўтишди, ишнинг иккинчи сменада ташкил этиш учун пухта тайёргарлик қилиш лозимлигини таъкидлашди.

— Мен урушдан кейинги йилларда совхозда тракторчилик қилганман,—деди В. Слинко.— Совхозимизга янги занжирли трактор келадиган бўлганида бизларни тракторчиларнинг қайта тайёргарлиги иккинчи курсига юборишган. Ўқшганимизда келганимизда янги тракторлар тавт бўлиб турарди. Биз уларни ҳеч қандай налмай бошқара бошлаганимиз. Бу билан шунинг айтмоқчимизки, ҳар қандай янги ишнинг пухта тайёргарлиги билан бошлаш керак. Шунда уни амалга ошириш осон бўлади.

— Чехимизга робот ўрнатилганига 3 йил бўлди,—деб ҳаммасининг фикрини қувватлади Р. Йўлдошев.— Унинг ишлаган вақтидан бекор тур-

Бригада пудратига—кенг йўл

Унинг баъзи бир ҳамкасблари ҳозир ҳам бошлаган ишнинг ташлаб кетиб, мўмай пўл кетидан қувган, коллектив фикри билан ҳисоблашмаган пайтларни оғизларидан бол томиб эслашди. Афсуски, илгари шундай бўлганди. Бу олат йиллар ўтган сари томиб ёйиб, раҳбарлар назариде одадга қайди бир нарсга бўлиб қолганди. Аслида бунинг қўчилиқ маъқулмасди. Наники, турли даражада ҳамма бир-бирига панд беради. Фақат ташаббускорлар туғайлигина коллектив зиммасиданги топшириқни бир амаллаб бажарарди.

У биринчи марта машина рулига ўтирганда аҳвол ана шундай эди. Аммо ўша пайтда, 1970 йилдаёқ, бундай ишлаш мумкин эмаслиги қўчилиққа равшан бўлиб қолганди. У ўрта мактабни битирган, Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганди. Айниқса, ҳарбий хизмат уни анча тоблади. Иброҳимга отасининг таъсири ҳам кучли бўлганди. Ота-сини темирйўлчи эди, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишларди.


Бу орада ҳамма жойда бригада пудрати жорий этила бошлади. Бу ишга биринчи бўлиб Бекободдаги 16-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Ҳабибулла Абдужабборов киришди. Бошқалар ундан намуна олди. Кейинроқ Х. Абдужабборов тажрибаси асосида ишнинг бригада усулини тарғиб этиш бўйича республика мактабни ташкил этилди. Ун биринчи беш йиллик мобайнида бу мактабни бир ярим мингта яқин ҳайдовчи-бригадир таъмомлаб, ягона нарид усулини ўз коллективларида жорий этидилар.

Ҳабибулла Абдужабборов бригадасининг тажрибаси Иброҳим Тоҳиров бошчилиқ қилган коллективнинг оёққа туришида қўл келди. Ҳозирги кунда у бошчилиқдаги ўн икки ҳайдовчи прицепи бўлган «ЗИЛ-130» юк автомашинасида ишлаб, Тошкент юк-товар станциясига хизмат кўрсатапти. Юклар базалар, магазинлар, корхоналарга маълум режимида қатъий амал қилинган ҳолда етказиб берилади. Машиналарнинг бекор туриб қоллиш мумкин бўлган қадар қамайтирилган, меҳнат ва технология интизомига қатъий риоя қилинади.

Бригада муваффақиятларида 2502-автотранспорт корхонаси ўз вақтида суюлтирилган табиий газда ишлашга ўтганлиги ҳам қўл келаяпти. Бу ёқили бенизидан анча арзон, ҳавони кам бўлгайди.



Ўн биринчи беш йилликда Иброҳим Тоҳиров 24,8 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиди. Бу план топшириқидан 11 процент кўпдир. Шу йўсинда янги беш йилликдаги муваффақиятлик меҳнат учун яхши замин ҳозирланди. Бугунги кунда ҳайдовчи Тоҳировнинг ўзи 5000 тоннадан ортиқ юк ташиди. Бригада аъзолари ҳам ўз етакчиликлари билан қўлимиздаги Хуллас, коллектив юк ташини бўйича оқилоқ топшириқларини мунтазам муваффақиятлик адо этапти.

В. ПОПЛАВСКИЙ, «Узавтотрансхизма» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими.



Шаҳримиз тарихини ўрганамиз

Тилга кирган обида



Шаҳримиздаги қадимий ёдгорликлардан бири Абдулқосим меъморий обидаси XIX асрда Бешбёғч йўлининг бош биноси эди. Ушбу ёдгорлик биринчи марта 1970 йилда ўрганилди. 1978—1979 йилларда эса у атрофлича ўрганилиб давлат муҳофазасига олинди. Ана шу ёдгорлиқни реставрация қилиш, қайта таъмирлаш ишлари-лойиҳасини яратишда меъморлардан ташқари, бошқа ихтисосларнинг ўнлаб мутахассислари ҳам иштирок этишди.

Мукаммал ўрганиш, текшириш ва изланишлар натижасида ёдгорлиқнинг ўз кўриниши қайта тикланди. Унинг бунёд қилинган вақти, тарихий ва бадиий қиммати аниқланди. Натижада ёдгорлик реставрациясини муваффақиятли амалга оширишга имкон яратилди. Меъморий бинонинг реставрация ишлари «Меъмор» бирлашмаси, шунингдек Қўқон, Андижон, Бухоро усталари томонидан амалга оширилди. Ушбу ишлар таълим олган ўшбу илм даргоҳи энди ўз функциясини ўзгартирди. Бу даргоҳ бундан кейин «Пропаганда уйи» деб юритилади. Обиданинг ана шу янги «вазифаси» унинг тарихий аҳамиятига заррача бўлса-да зиён етказмайди. Бу ерда бундан кейин кинозал бўлади, лекциялар ўқилади. Шунингдек, бинони истифода қилишда қўйилган талабларга асосан, бундан буён ҳам кўнгилларга зиё сочмаверади.

М. МАХМУДОВА.
СУРАТДА: Абдулқосим меъморий обидасида реставрация. Обиданинг реставрациядан кейинги умумий кўриниши (лояҳча).

Ҳикматнома

Яхши фазилатлар

Яхши-насиҳат — олтиндан қиммат.
Тарбияли оқладан ёмон одам чиқмайди.
Меҳнаткаш одам ғийбатни билмайди.
Дилдордан дилкашлик кутманг!
Илм йўли — нури йўл.
Одамни қадрлаган лаззат руҳи билан яшайди.
БАЙТ: Кимнинг меҳнатга раи бордир,
Билинги, унга бахт ёрдыр.
ҲИҚОЯТ: Бир кекса ота ўғлини ёнига ўтқазиб, шундай насиҳат қилди:
— Эй дилбандим ўғлим, сен ҳунар эгаллаш, меҳнат қилиш ҳақидаги панд-насиҳатларимга қўлоқ солмадинг, дилга яхши умидларин жо этмадинг, — норозин бўлган ота охири шундай бир иборани ўғлининг дилига қўйди:
— Майли ўғлингим, ҳаммасини бора кўрасан. Шу сўзини унутма, бора кўрасан!
Ўғил ҳайрон бўлди. Отаси нимани «бора кўрасан» дейпти. Ахир отасининг даврида еганини еб, кийганини кийиб юрибди-ку.
Кунлар, ойлар, йиллар турналар карвонига ўхшаб тез учиб ўтдилар. Кекса ота ҳам ду-

нбдан кўз юмиб кетди.
Ўғил оқлада ёлғиз қолди. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» дейишгани ҳақ экан, Янгит отасидан қолган бор-шудини сарфлаб бўлиб, нотаовон ҳолга тушди, тақдирини хорлик-зорлик босиб кела бошлади. Бошига оғир кунлар тушди. Шунда у отасининг: «Касб-хунар эгалла ўғлим, яшашингга, бахтингга керак бўлади», деганини эслади. Меҳнатсиз яшаш оғир эканини, ёмон кунларга қолишини ҳис этди. Шунинг учун отаси унга: «Майли, бора кўрасан», деган экан-да, мана кўрапти-ку.
Янгит эс-хушини йиғди ва бир темирчи устага шогирд тушиб ишчилик касбини эгаллашга киришди. Кўп ўтмай яхши касб эгаси бўлиб, ҳалоллик билан мол-давлат топди, оқлали бўлиб бахтли ҳаёт кечира бошлади.
ҲИССА: Оталар сўзи — ҳаётда яшашнинг нурафшон йўлини кўрсатади. Кимки меҳнатни севиб, касби-корини, ҳунарини эъзозласа бахтли-саодатли яшайди.
Шифокор Абдураҳим УМАРОВ тайёрлаган.

Оқшомхонлар учун учрашув

Масъулият — табаррук т у й ғ у

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Улуғ Ватан уруши ғирокчиси Иброҳим Раҳим билан суҳбатимиз замонадорларимизнинг ўй-кечимуларини, бугунги ташвишлари, улар амалга ошираётган ишлар, жамиятимиз кишининг ижтимоий масъулияти, гражданлик бурчи ҳақида бўлди. Бу суҳбат газета учун мўлажалланган сабабли биринчи саволимиз ҳам газетачи дахлдор бўлди.
— Мабодо мендан «ёзувчи бўлиш шартларини айтиб беринг», деб сўрашганда, ҳеч иккиланмасдан, бошқа бир қанча муҳим шартлар билан бир қаторда, албатта, газетада ишлаш мактабини ўтишни ҳам айтиб кетардим. Чунки ўз тақдирини, ҳаётини ижодкорликка бахш этиш учун қурашмоқда. Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати билан етиштирилган ҳосилдан ҳалол хирмон яратиш, оддий ҳисоб-китобларда ҳам асосий сўзни ҳалоллик билан ҳар миқсолига-ча тўғри айтишга ишончликомил. Яқин ўтмишда пахта етиштиришдаги мислсиз кўз-бўямачиликлар бугунги кунда каттаво кичика маълум. Бироқ қаламқаш сифатида озорқ ўқиним бор: пахтакорлар ҳақида, пахтакорнинг машаққатли меҳнати ҳақида сидқиқлардан ёзилган бирор бир салмоқли проза асари, сажийи шёар ёки дoston, яхшироқ қўшиқ йўқ. Бутун халқ кечасио кундузи «пахта» деб заҳмат кесасо биз уларга муносиб асар яратмасак, афсуслана экансан.
— Оқшомхонларини Спнинг Тошкентга муносабатиниз, унинг тақдирингизда тутган ўрин ҳам қизиқтира...

— Тошкент — яхши шаҳар. Зўр шаҳар! Бунга сўз йўқ. Умримнинг халқ-жонли йиллари шу шаҳарда кечган. Шюар айтмоқчи «Дунёнинг у чеккасида ҳам Тошкент вақти билан юраман». Шу шаҳарни янада яхшироқ, кўркамроқ шаҳарга айлантириш эса бизнинг бурчимиз. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Шаҳардаги бекатларини олайлик. Бир бирига ўхшамаган, баъзиларида соябон, баъзиларида оддий скамейкалар йўқ. Олисдан келган меҳмонлар олдида уяласан киши. Шаҳар кварталлари, массивларини номлашдаги пала-партишликлар ҳақида «Тошкент оқшоми» газетаси бир неча марта ўз саҳифаларида материаллар берди. Бу жуда яхши. Ўғайимизки, газетанинг чиқишларидан кейин шаҳримиз массивларига яхши анъаналаримиз билан боғлиқ мазмунли номлар қўйилади.
— Тошкентнинг қайси кўчаси Сизга ёқади?
— Навоий кўчаси. Бироқ бу кўча ҳам кўп жиҳатдан ободонлаштиришга муҳтож. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Оқшом»да босилган «Тошкент оқшомининг минг фавориси» мақоласида ўртага ташланган тақлифни, яъни Навоий кўчасини сайлтоҳга айлантириш фикрини шаҳарнинг мутасадди раҳбарлари ҳам ўйлаб кўршса ёмон бўлмасди. Навоий кўчасининг юниси енгил қилайдиган ёнма-ён кўчалар ҳам бор-ку.
— Шаҳардаги монументал пропаганда ёдгорликлари ҳақида нима дейсиз?
— Пойтахтимизда «Машҳур инсонларга ўрнатилган аjoyиб ёдгорликлар борлиги ҳаммамизга маълум. Бир фикр: улар қаровсиз қолимаслиги керак. Шу ўринда мен кичик бир тақлиф киритмоқчиман. Бу шаҳарда туғилиб ўсган, халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг хотирасини абадийлаштирувчи бирорта ёдгорлик йўқ. Ёки улуғ сўз устаси Абдулла Қаҳҳор хотирасига эътибор ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.
— Замонадорларимизнинг масъулияти ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...
— Масъулият бу — энг аввало — ҳалоллик — моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ҳалолликдир. Бир сўз билан айтганда масъулият — виждон бурчи. Киши ҳалол меҳнат, ҳалол виждон билангина жамиятга, одамларга фойда келтириши мумкин. Япония тилагим: шу масъулият туйғуси ҳеч қачон замонадорларимизни тарк этмасин. Зеро бу табаррук туйғу бугунги ташланган тақлифни, яъни Навоий кўчасини сайлтоҳга айлантириш фикрини шаҳарнинг мутасадди раҳбарлари ҳам ўйлаб кўршса ёмон бўлмасди.

— Тошкентнинг қайси кўчаси Сизга ёқади?
— Навоий кўчаси. Бироқ бу кўча ҳам кўп жиҳатдан ободонлаштиришга муҳтож. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Оқшом»да босилган «Тошкент оқшомининг минг фавориси» мақоласида ўртага ташланган тақлифни, яъни Навоий кўчасини сайлтоҳга айлантириш фикрини шаҳарнинг мутасадди раҳбарлари ҳам ўйлаб кўршса ёмон бўлмасди.



ОЛТИН КУЗ.

В. Тўраев фототўзиди.

Олтин куз неъматлари

ДУНЁ КАРТАСИ ОЛДИДА

Буюк ХИТОЙ ДЕВОРИ БУЙЛАБ...
Хитойнинг Чанчун шаҳри истиқоматчилари бўлиш 3 нафар ёш ёзувкор шакслар Буюк Хитой девори бўйлаб ўтиштирилган сафарини янхосига етказдилар. Бу саҳмат қарийб икки йил давом этди.
Хитой Халқ Республикаси матбуотидаги хабар қилишича, экспедиция ушбу қадимий иншоотни ўрганиб, тадқиқот ишларига бебаҳо ҳисса қўшди. Эндилкида деворнинг узун-

лиги роппа-роса 6450 километр эканлиги маълум бўлди. Кўп йиллардан бери жаҳон мамлакатларининг барча энциклопедияларида бу рақам тўрт-беш миң километр атрофида деб ёзилар эди.
Экспедициянинг бу сафари хитойлик археологлар ва тадқиқотчиларнинг ўзи учун ҳам илгари номаълум бўлган қўлгина фактларни тўлдирди. Чунки, экспедиция аъзолари томонидан олтинган етти миң дона фотосуратда девордаги турли хил қадимий

ОЛТИН КУЗ.

В. Тўраев фототўзиди.

Олтин куз неъматлари

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

САҲАР ПАЙТИДА
Кичкина кичка олти ёшга тулган кун онасидан сўради:
— Мен соат нечада туғилганман?
— Саҳар пайтида, соат 5 да, — жавоб берди онаси.
— Вой-уй, — деди кичка ҳайрат билан, — шунча вақтнинг, сиз уйқоқинингиз, ойна?
САВДОГАР
Машҳур карикатурачи Фориан Паризда ақлли одамлардан бири ҳисобланади. Бир кун у ишчан ёш расмий расм галереясида борди.
— У аллақачон ҳамма расмларини сотиб юборганга ўхшайди, — деди кимдир.
— Ҳа, унга отасининг касби мерос бўлиб қолган, — деди Фориан.
— У ҳам расмномиди?
— Йўқ, у катта савдогар эди, — деди Фориан.
ХАЙРЛИ ИШ
— Ота, мен бугун хайрли иш қилдим, — деб мақтанди Петр отасига.
— Қандай хайрли иш?
— Қўшимизни шига пошиб кетаётган эди, орқасидан қучуғимни қўйиб юбордим, қучуқ қувламаганда у автобусдан қилиб кетар эди.
Немис тилидан
Назира ОДИЛХУАЕВА таржимаси.

Кўркам табият ўз эҳсонларини нақ қиёмига етказган палла. Бисоти камалакдек товланувчи кўзининг саҳовати — унинг ширин-шарбат мевалари, резавору-полдиз маҳсулотлари, қўйинг-чи, шифобахш неъматлари билан ажралаб туради.
Кўриниши ёқимтой, жозибаси ўзгача бўлган хурмо ҳар қандай боғу-боғчага кўрқушбоғина қолмай, балки шифобахш марҳамати билан ҳам қадрланади.
Хурмонинг мевалари тансиқ ва тўйимли, унинг таркибиди салмоқли миқдорда С витамини, каротин, флавоноидлар, органик кислоталар, глюкоза, фруктоза ва хуруллаштирувчи моддалар бор. Булардан ташқари, қаҳрабо мисол товланиб турувчи меваларда бир талай, инсон организмига мадад берадиган минераллар, жумладан марганец, магний, мис, темир, кальций, фосфор каби элементлар жо бўлган.
Хурмо меваларидан тайёрланадиган шарбат тиреотоксикоз (буёқ) хасталигидан шифолиғи билан танилган. Маромига етиб пилдан хурмонинг «хурмо-дошаб» деб аталадиган қўйилтирилган шарбати хафаконлиқда, камқувватликда, қон босими пасайганда, юқори нафас йўллари шомолланганда ва қон қусишда ердан берадиган омиллардан ҳисобланади.
Хурмо мевасидан аjoyиб, татимли қоқилар тушириш мумкин, хурмо қоқисиди 48

процент фруктоза ва 14 процент атрофида глюкоза бўлади.
Хозирда ёстиришга нишанибозлар ошиб бораётган шарқ хурмонининг бўйи 20 қўлоқчага бориши мумкин. Танаси тик, кўнгир пўстлоқли, барглари қалин, яхлит, уст томони ялтирайдилар, сатҳи силлиқ, ост тарафи нурсиз, яшил. Гуллари ўтган йилги новдларининг қўламдан чиқарган ёш новдаси унда ҳосил бўлади. Хурмо бизнинг шароитимизда майиюн ойларида гуллайдилар, меваси октябрь-ноябрь ойларида етилади.
Мевани 3 ойгача сақлаш мумкин. Бунинг учун хурмони ертўда ёки ҳолодильникда 1—2 даража ҳароратда сақланади. Хурмо мевалари сақланиш жараёнида

тирилса, ҳар қандай жойга фойда киритади, ёмон тилло-сифат мевалари, айни олтин кўзда оловоран баргари ўзгача дилраболиқни кашф этади қўймайди. Ўлкамиз шароитида хурмонинг асосан «Томопон», «Зенжу-мару», «Ўзбекистон пионерия», «Хиалкуме», «Қангли денов» деб аталган жайдари ва маданий навларини ўстириш мумкин. Ҳосилдор «Қангли денов» нави академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институтининг Денов тажриба станциясида етиштирилган.
Машһон НАБИЕВ, доршунос.

ТУРСОЯ ОЛАМ

МЕЛЬНИК — АЖОНИБ ШАҲАР

Болгариянинг тоғли ерда жойлашган Мельник шаҳри энг нодир шаҳарлардан бири, деб ўйлаймиз. У мамлакатнинг энг кичик шаҳри — атиги 300 киши истиқомат қилади. Мельник онлави муносабатларининг мустақамлиғи бўйича ҳам «миллий рекорд» эгасидир: 1944 йилдан буён бу ерда атиги битта қўйди-чқди бўлган. Шаҳарда ёнғин ва йўл тасдиқлари ҳам энг кам содир бўлган, бу ерда процент ҳисобида энг кўп пенсионерлар яшайди. Туристлар бўйича ҳам шаҳар мамлакат рекордчиси: аҳолининг жон бошига ҳар йили бу ерга минг нафар турист келиб-кетади.

● НОН НЕЧА ЁШДА?

Нон ёши жиҳатидан Миср эҳромларидан ҳам катта. Цюрих музейларидан бирида кўрамага қўйилган ноннинг ёши 6 миң йилдан ҳам кўп. Нью-Йорк шаҳри музейида эса бундан 3400 йил муқаддам ёпилган нон намоиш этилмоқда. Қадимий Грецияда нонойлар алоҳида ҳурматда бўлишган, Римда эса мазали нон ёпиш сирини билган қул глadiatorдан ўн баробар қиммат турган.



● САДОҚАТ ПОСВОЛИГИДА

Малайзияда 1966 йилда онлави сadoқатнинг бузилишига қарши қону қабул қилинган. Ана шу қонунга бйноан биринчи марта эрига хиёнат қилган аёлининг жазмани, иккинчи марта аёлининг ўзи жазоланган. Агар бу ҳол учинчи марта такрорланса унинг эри жазога тортилган.



● МУШУҚЛАР... МУЗЕЙИ

Швейцариянинг Базель шаҳрида Гербий Европада биринчи мушуклар... музейи ташкил этилди. Музей Швейцария, ГФР, Буюк Британия, Италия ва бошқа қатор мамлакатларда яшётган ана шу ҳайвон ипқи-бозларининг қўлғилли бадаллари ҳисобига бунёд этилган иморатда жойлашган. Унда ўн миңдан зиёд турли-туман экспонатлар кўргазмага қўйилган. Ўйинчоқ мушуклар, мушук тасвири туширилган почта маркалари ва этикеткалар, мушуклар ҳақидаги китоблар, мушук шаклидаги ликобчалар, совринлар шулар жумласидандир.

● ЯНА БИР РЕКОРД

Бомбайлик 44 ёшли киши «Гиннесснинг рекордлар китоби»да қайд этилган рекордлардан бирини янгилади. Унинг қўлга киритган ют шундан иборатки, у ёзув машинасида бир йўла 123 соат ишлаган. Мусобақа шартига кўра у машинада бир соат ишлаганидан сўнг беш минутдан дам олиб турган. Беш кеча-кундуз мобайида янги жаҳон рекордчиси 806 миң марта машина клавишларини босган. Мусобақа бошлангичда у ҳар минутда 60 тадан сўз ёзган бўлса, сўнгги минутда атиги ўн бешта сўз ёзган.



Физкультура коллективларида

Дарё ва соҳиллар бўйлаб

Метеорология бошқармасида физкультуранинг туризм турини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда дарё туризми секцияси фаолият бошлаганича анча бўлди. Ишчи ва хизматчилар дам олиш кунлари секция машғулотларида иштирокчи билан қатнашди. Ҳар йили Сирдарё бўйлаб қайнқларда саяхат ташкил этилади. Улар 200 — 300 километр масофани босиб ўтиб, ўлканинг табияти

билан танишди. Айни пайтда эшак эшиш бўйича амалий кўникма ҳосил қилишда Секция машғулотида иштирок этаётганларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганини, унинг ҳаммага маълум бўлаётганини далил қилиш мумкин.

Бошқарма физкультура коллективи янги режани амалга оширишга киришди. Чорвоқ сув омбори базасида елканли спорт секцияси ташкил этилмоқда. Зарур ан-

жомлар ва жиҳозлар сотиб олинди. Инструкторлар сув омбори базасида машғулотларни йўлга қўйиш тадбирлари амалга оширишмоқда. Айни пайтда тоғ чанги спортини ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Бу секциянинг фаолият бошлаганича анча бўлди. Машғулотларда мунтазам қатнашган ходимларнинг кўпчилиги разряд нормативини бажаришга эришди.

Бошқармада ритмик гимнастика, шахмат, стол теннис, футбол секциялари ишлаб турибди. Ишчи ва хизматчилар ўз хоҳишларига қараб, машғулотларда иштирок этиш имконига эга. Улар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга спорт соҳасидаги маҳоратларини ҳам ошириб бормоқдалар. Бунга бошқарма футболчилари эришган натижаларни мисол келтириш мумкин. Қирон район санат корхоналарининг физкультура

коллективлари футбол командалари ўртасида ўтказилган биринчиликда улар фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Ҳозир бошқармада ҳар икки кундан бири физкультура машғулотларида мунтазам қатнашмоқда. Физкультура коллективи шу кун талабидан келиб чиққан ҳолда иш тўтмоқда. Секцияларни қўйиб туриш, жиҳозлар сотиб олиб, янги машғулотларни йўлга қўйиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

М. ДАВРОНОВ.

кетболчилар турнирида «Узбекхалқкомаш» ишлаб чиқариш библиотекаси, стол теннис баҳсида эса «Эталон» ишлаб чиқариш библиотекасининг вакиллари ғолиб чиқишди. Ғолиб ва савриндорларга машинасозлик ходимлари област касаба-союз комитетининг мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

М. ОТАХОНОВ.

«Йўлтўсарлар»

(Шингил ҳажвия)

Бекатда йўловчилар тобора кўпайиб боради. Ҳаммининг кўзи автобус келадиган томонда. Ана, пешонасида қора холи бор сариқ автобус кўринди. Одамлар тўпи сувдечини бурқитиб эпкин билан келиб тўхтади.

Тушадиганлар тушиб бўлгач, сабрсиз кутиб турганлар ичкарига ўқдек отилиб кира бошладилар. Шу маҳалда қандайдир икки қалин ошна сурилиб бараварига эчки олдига келиб қолди. Иккаласи ҳам қориндор эдики, тўғ катта тарвузнинг бир палласи унинг қорнига, иккинчи палласи бунинг қорнига ёпиштириб қўйилгандек. Шу дег, автобусга чиқадиган йўл тўсилиб қолди: — Сиз чикинг, куда, — деди бири қўлини кўксига қўйиб.

чиқсинлар, — деб йўл берди унис. — Сиз турганда мен чикаманми, чикинг, чикинг. — Йўқ, ўзлари, хўп дег... Бирдан эшиклар тарақлаб ёпилиб автобус тўриллаб қолди. Бу «йўлтўсарлар»нинг дастидан автобусга чиқолмай, «аттанг» дея қолган йўловчилар эса жаҳллари қўзиб гап билан уларни қайчила ташладилар:

— Чаққон, чаққон чиқиш керак эди! — Бунақа пайтда «сен чик, мен чика» бало борми! — Қудачилик автобусда ҳам бўларканда-а?!

Комил МУХАМЕДОВ, пенсионер.

Редактор Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

— Йўқ, йўқ олдин ўзлари

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/Х да — Пётр Биринчи, 26/Х да Корсар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да Зебунисо, 26/Х да Ўғрини қароқчи ўрни.

МУЖИМ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/Х да Ҳўлар, 26/Х да Ҳўлар шаръи. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГАРДИ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да Отасининг кизи (19.00), 26/Х да Саводсиз мунажжид (12.00).

25 ОКТЯБРЬ

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШ-ГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 18.40, 21.00; телефоны 44-21-44, 44-21-34), Чайка (17, 18.45, 21.00; телефоны 77-06-20).

«БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17.20.00).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — Ватан (18.21.00).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Нукус (17, 19, 20.40), Дружба (хар соат-да), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соат-да).

26 ОКТЯБРЬ

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШ-ГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 10.40, 13, 15.20, 17.40, 20.00; телефоны 44-21-44, 44-21-34), Чайка (11, 13, 15, 17, 18.45, 21.00; телефон 77-06-20).

«БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 11.30, 14, 17, 20.00).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — Ватан (18, 21.00).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Нукус (12, 15, 17, 19, 20.40), Дружба (хар соат-да), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соат-да).

«БИР Тўқнашувнинг икки тахмини» — Ватан (12, 14, 16.00).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), Тинчлик (13, 16, 18.30, 21.00).

«ОЛТИН ЛАНГАР» — Искра (жуфт соат-ларда, телефон 39-14-59), Лисунгов номи (тоқ соатлар-да, телефон 96-34-02).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — К. Ерматов номи (тоқ соатлар-да).

«ШАКТИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда Биринчи марта «Иртиқ хайвонлар» аттракционининг гастроллари (19.30).

КАРТОГРАФ-ГРАВЕРЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИГАН

КУРСГА ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ, 15-30 ЕШДАГИ 6-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқш муддати — 10 ой. Стипендия ойига 63 сўм. Ўқш рус тилида олиб берилади.

ХУЖАТЛАР ҲАР КҮНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орфоров кўчаси, 8-й, кўрлар бўлими (9, 24, 51, 60, 72, 89-автотўсила, 2, 22, 3, 23, 28, 29-трамвайларнинг «Қозғонистон» кинотеатри бекати).

ДОСААФнинг ЎЗБЕКИСТОН ССР РЕСПУБЛИКА БИРЛАШ-ГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ

450 соатли программа бўйича радио ва телевизор устازلари

ТАЙЕРЛОВЧИ КУРСЛАРГА ТИНГОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Программа электротехника асослари, 1, 2, 3. классли эшиттириш приборлари эксплуатация ва ремонтини ҳамда турли классдаги оқ-қора тасвирли телевизорлар тўзилиши ва ремонтини асосларини ўргатишни кўзда tutadi.

Программани муваффақият-ли ўзлаштирган иштирокчи рағбатли телевидение программаси бўйича маҳоратни тақомиллаштириш курслари-га кириш учун устуликка эга бўлади.

ГРУППАЛАРДАГИ МАШ-ҒУЛОТЛАР 1986 йил 30 ОКТЯБРЬ ВА 16 ДЕКАБРДА ВОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700056, Тошкент шаҳри, Орол кўчаси (метронинг «Маския Горь-кий» станцияси). Телефон 67-29-20.

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА

А. С. ПУШКИННИНГ 3-жидда асарларига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОТУВДА 1 ВА 2-ЖИДЛАР БОР.

МАГАЗИНЛАР

АДРЕСИ:

1-«ПРОПАГАНДИСТ» — Пушкин кўчаси, Марказ-1

квартира, 6-корпус.

2 — «СВЕТЛОЧ» — Навоий кўчаси, 42-уй.

9 — «ПРОГРЕСС» — Новоосковская кўчаси, 31-уй.

11 — Горький кўчаси, 73-уй.

14 — Қорақаман, 2/4 массиви.

15 — У. Юсупов кўчаси, 101-уй.

16 — Гагарин кўчаси, 66-уй.

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчаси, 7-уй.

19-«ПЕДАГОГ» — Беруний кўчаси, 12-уй.

23-«СОВРЕМЕННИК» — Фарҳод кўчаси, 58-уй.

41 — Қорасув-2 массиви, 18-уй.

45 — Б. Хмельницкий кўчаси, 83-уй.

46 — Космонавтлар проспекти, 39-уй.

ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИНГИЗ!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДРАСИ.

КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида барча турдаги ва идора кутубхоналарини комплектлаш учун махсус Тошкент шаҳар

КУТУБХОНА КОЛЛЕКТОРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

Коллектор олдиндан берилган буюртмалар бўйича Тошкент шаҳридаги кутубхоналарни ижтимоий-сиёсий, техника ва бадиий адабиётлар билан комплектлаб боради.

Коллекторда 3 та бўлим мавжуд:

Илмий ва ўқув кутубхоналарини комплектлаш бўлими;

Оммавий, касаба-союз, мактаб кутубхоналари ва болалар боғчалари кутубхоналарини комплектлаш бўлими;

Техника кутубхоналарини комплектлаш бўлими.

Тошкент кутубхоналар коллектори соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Дам олиш кунлари — шанба, якшанба.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 44-57-52, 44-63-84.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

рус тилида билимини оширишда бўлган хоҳловчиларни

ПУЛЛИК КЕЧКИ РУС

ТИЛИ КУРСИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 15 ноябрдан бошланади.

Аризалар ТошДУ юрфак биносига (Инжироб хибони) рус тили кабинетига (III-кават) соат 17 дан 20.00 гача қабул қилинади.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

ҲАР КҮНГИ ТАОМЛАРИМИЗГА ЛАЗЗАТ


БАХШ ЭТАДИГАН НЕЪМАТЛАРДАН БИРИ

КАРАМДИР. У ТҲИМЛИ, ФОЙДАЛИ. БУ

САБЗАВОТНИ ХОМ, ҚАЙНАТИЛГАН ВА ҚО-

ВУРИЛГАН ҲОЛДА ҲАМ ТАНОВУЛ ҚИЛИШ

МУМКИН.



Карам С. Р. К. витаминларга ва каротин моддасига бой. С ва Р витаминлар томир деворларини мустаҳкам-ласа, К витамини қон айланишини бир маромга солади. Карам минерал тузларнинг энг муҳими калций тузи, фосфор, кальций, магний ва темир моддалари мавжандир.

Карам янада тўйимли бўлиши, бебаҳо витамин-

ларнинг қуйиб кетмаслиги учун қуйидаги тадбир-

ларга риоя қилиш керак:

— карам қоронғи салқин жойда сақланади;

чунки унинг каротин моддаси қуёш нурида қисман йўқо-

лади.

— ҳеч қачон хом карам қовурилмайди. Қовурилса қу-

руқ ва бемаза бўлиб қолади. Шунинг учун уни оҳиста

қайнатиб, кейин қовуриш лозим. Дўлма қилиш учун эса

карамнинг устидан қайноқ сув қуйиб, кейин оҳиста қу-

вурин керак.

«ТАШПЛОДОВОШЧ» (телефон 55-93-29).

МАҲОРАТ ВА

ТОПҚИРЛИК ҲИНИ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ЗАВОДИ

МУТАХАССИСЛАРИ ИШЛА ЧИҚҚАН ОДИИ

КАРТОНДАГИ ҲИНИ БУШ ВАҚТЛАРДА ЖУДА

АСҚАТАДИ.

Сиз бу ҲИНИ доналарни илон изи сўқмоқлардан эп-

чилик билан суриб рақибингизга шиддатли ҳужум қи-

лишингиз мумкин. «Шўх қайрилишлар» деб аталувчи ҲИНИ

икковлон, учовлон ва тўрттовлонлашиб ҲИНИнингиз мум-

кин.

«Шўх қайрилишлар» ҲИНИ ТАХТАСИ МА-

ДАНИИ-МАНШИИ МОЛЛАР МАГАЗИНЛАРИДА

СОТИЛМОҚДА.

Баҳоси — 1 сўм 60 тийин.

«УЗКУЛЬТТОРГ»

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского

Компартии Узбекистана и городского Совета народных депу-

татов.

горкома

татов.

горкома

татов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55,

37, 32-53-83; санат ва нурилик — 32-57-84; шаҳар ҳўналиги ва транспорт

— 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95; 32-

55-32; хатлар — 32-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66;

эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р-13021. Газета яшанбадан ташқари ҳар кун, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б. — 2118. Индекс 64960. 12345678910.